

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН Фойдаланиш самарадорлигини ошириш ИСТИҚБОЛЛАРИ

Астанов Истам Рустамович

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
“Криминалистика ва суд экспертизалари кафедраси” бошлиғи, ю.ф.д. проф.*

Хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш ушбу давлатлар қонунчилигини ўрганиш ва маълумот олиш баробарида миллий қонунчиликда қўллаш мумкин бўлган нормаларни аниқлаш имкониятини беради.

Ушбу жараёндаги ижобий амалиётни **Германия** жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганишга қўллаш ҳам ўзига хос ижобий натижа беради.

Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 495-моддадан иборат бўлиб, жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишга оид нормалар унинг 7-бўлимида (72–93-моддалар) акс эттирилган. Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигидан фарқли равишда ГФР ЖПКда эксперт ва мутахассис ўртасида тафовут йўқ.

ГФР ЖПК 72-моддасига асосан гувоҳлар ҳақидаги бўлимлар ҳам экспертларга оид моддаларга тааллуқли ҳисобланади. Унинг 73-моддасида экспертларни ва экспертизаларнинг сонини белгилаш судья томонидан амалга оширилади (ушбу ҳолат суд босқичига тааллуқли). Прокуратура ҳам эксперт хулосаси бўйича эксперт билан келишиши мумкин, аммо бу хулоса дастлабки хулоса дейилади (161-модда а банд) [1].

ГФР ЖПК 74-моддаси “Экспертни рад этиш деб” номланиб, унга кўра экспертни рад этиш судьяни рад этиш асослари билан бир хил, аммо экспертнинг гувоҳ сифатида сўроқ қилинганлиги уни рад этиш учун асос бўла ололмайди.

Фикримизча, ЎзР ЖПК 78-моддасини “Экспертнинг гувоҳ сифатида сўроқ қилинганлиги уни рад этиш учун асос бўла ололмайди” деган мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш лозим. Чунки амалдаги норма мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, яъни ЖПК 76-моддаси биринчи қисми 1-бандига мувофиқ эксперт иш ҳолати бўйича гувоҳ бўла олмайди. Кейинги нормаларда эса экспертни сўроқ қилишга бағишланган нормалар мавжуд бўлиб, бу икки норма ўртасида бир-бирига зид тартиб юзага келади. Шу сабабли юқоридаги норманинг киритилиши мақсадга мувофиқ.

ГФР ЖПКга мувофиқ тайинланган экспертларнинг исми ва шарифи процесс иштирокчиларига маълум қилиниши зарур. Алоҳида ҳолатларда

уларнинг исмлари маълум қилинмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳуқуқдан прокурор ва полиция далилларни йўқотиш эҳтимоли бўлганда фойдаланиши мумкин. Фикримизча, **экспертларнинг хавфсизлигидан ва далилларнинг йўқотилишини олдини олиш мақсадида ушбу нормани миллий қонунчиликка киритиш** ҳам ижобий натижа беради.

ГФР ЖПК 75-моддаси “Экспертнинг хулоса беришининг мажбурийлиги” деб номланиб, эксперт ўзи тайинланган иш юзасидан эксперт сифатида иштирок этиши талаб қилинади. Бундан ташқари, суд олдида маълум бир ҳолат юзасидан хулоса беришга тайёрлигини эълон қилган шахс (яъни эксперт бўлмаган шахс) ҳам хулоса бериши мумкин ҳисобланади.

ГФР ЖПК 76-модда “Экспертнинг хулоса беришни рад этишга бўлган ҳуқуқи” деб номланиб, экспертнинг илтимосномасига кўра, қарилик ҳолатини, жуда ҳам банд эканлиги, яъни иш ҳажмининг кўплиги ёки ушбу иш юзасидан ваколатли эмаслигини инобатга олиб, хулоса беришдан озод қилиниши мумкин.

ЎЗР ЖПК 185-моддасида эса ушбу ҳолатга қуйидагича изоҳ берилган, агар эксперт қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида ҳужжат чиқаради. Демак, бизнинг қонунчиликка асосан қарилик ёки бандлик хулоса бериш мажбуриятидан озод бўлишга сабаб бўлмайди. Фикримизча, **бандлик, яъни иш ҳажмининг кўплиги бериладиган хулосанинг сифатига таъсир қилиши мумкинлигини инобатга олиб, узрли сабаблар жумласига киритилиб рад этиш учун асос сифатида белгиланиши лозим.**

Иккинчидан, экспертни хулоса беришдан бўйин товлаши ёки уни рад этиши учун жиноий жавобгарлик масаласини Ўзбекистон Республикаси ЖКдан олиб ташлаш керак. Авваламбор, **ЎЗР ЖПК 68-моддаси тўртинчи қисмидаги эксперт “бу ишдан бўйин товлаганлиги учун” жиноий жавобгар бўлиши тўғрисидаги қонидани чиқариб ташлаш керак.** Бу орқали экспертни мажбурий меҳнатга жалб қилиш олди олинади ва ЖПК ривожланган мамлакатлар қонунчилигидаги нормалар сингари такомиллашади.

Фикримизча, экспертни ҳам тегишли тартибда маълум бир меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида унинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши учун интизомий ёки тегишли процессуал таъсир чораларига тортилиши мақсадга мувофиқ. Чунки ГФР ЖПК 77-моддасида эксперт хулоса беришни рад этиши ёки келмаслик оқибатлари” деб номланиб, эксперт иштирок этиши лозим бўлган ишда қатнашмаса, ушбу

жараён натижасида юзага келадиган харажатларни қоплаши талаб қилинади, бундан ташқари экспертга нисбатан процессуал жарима қўлланилиши белгиланган. Агарда шу ҳолатда ҳам эксперт ҳаракатларида ижобий ўзгаришлар бўлмаса ва ушбу процессуал жаримани такрор қўллаш мумкин. Бу борада жиноий жавобгарликдан кўра, процессуал таъсир чораси қўлланилиши экспертга самаралироқ таъсир этади.

ГФР ЖПК 78-моддаси “Суд бошқаруви” деб номланиб, зарур ҳолларда, суд эксперт фаолиятини бошқариши, яъни назорат қилиши мумкинлигини назарда тутди. Аммо бу эксперт амалга оширадиган тадқиқотга аралашishi эмас, балки топширилган ишни тўғри тушунтириш, юридик маълумотларни, материалларни тақдим этишга қаратилган бўлади.

79-модда “Эксперт қасамёди” деб номланиб, экспертлар судьянинг ихтиёрига асосан қасамёд қилишга жалб қилиниши мумкин. Эксперт қасамёди эксперт хулосаси берилгандан кейин амалга оширилади, қасамёднинг хулоса берилгандан кейин қабул қилиниши хулосанинг ҳолис, виждонан ва махсус билимлардан келиб чиқилганлигини англатади ва таъминлайди. Агар эксперт бир неча экспертиза турлари бўйича хулоса бериш учун жалб қилинса ва уларнинг бири учун қасамёд қабул қилинган бўлса, шуни ўзи етарли ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар жиноят-процессуал қонунларида экспертнинг қасамёди масаласи киритилган бўлиб, ушбу жараён экспертнинг ўз ишига эҳтиёткор ва касбига эътиборли бўлишини таъминлайди. Мазкур қасамёд қабул қилиш жараёнини ҳам экспертларга нисбатан миллий қонунчилигимиз даражасида қўллаш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, ЖПКнинг “Экспертни сўроқ қилиш” деб номланувчи 186-моддасини қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: **“Эксперт экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судья ихтиёрига асосан қасамёд қилишга жалб қилиниши мумкин. Эксперт қасамёди эксперт хулосаси берилгандан кейин амалга оширилади. Агар эксперт бир неча экспертиза турлари бўйича хулоса бериш учун жалб қилинса ва уларнинг бири учун қасамёд қабул қилган бўлса, шу етарли ҳисобланади”.**

ГФР ЖПК 80-моддаси эксперт хулосасини тайёрлаш деб номланиб, экспертнинг талабига кўра, унга жиноят иши юзасидан гувоҳ ва айбланувчиларни сўроқ қилиш натижасида олинган маълумотлар шаклида қўшимча информацияларни экспертиза тайинлаган органдан тақдим қилинишини сўраши мумкин ҳисобланади. Худди шу мақсадда экспертга жиноят иши материаллари билан танишиш, гувоҳ ва айбланувчиларни сўроқ қилиш жараёнида иштирок этиб уларга ўзлари қизиқтирган саволларни бериш имконияти ҳам берилиши мумкин.

ГФР ЖПК 80а-моддаси дастлабки тергов босқичига жалб қилиш деб номланиб, агарда айбланувчини психиатрик клиникага, спиртли ичимликлар

ва наркотик моддаларга мойилликдан даволаш учун тегишли муассасага жойлаштириш эҳтимоли бўлса, дастлабки тергов босқичининг ўзидаёқ эксперт хулосасини асосий ҳисобланган суд муҳокама жараёни учун тайёрлаш учун экспертга шароит яратиб берилиши талаб қилинади [2].

ГФР ЖПК 81а-моддаси гувоҳлантириш ва суд-тиббий экспертиза; қон намуналарини олиш деб номланиб, айбланувчига нисбатан гувоҳлантириш ва суд-тиббий экспертизани ўтказиш жиноят иши учун муҳим бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида ўтказилиши мумкин. Мазкур мақсадларда айбланувчидан қон излари олиниши ёки бошқа тиббий текширишлар ўтказилиши мумкин ҳисобланади. Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш айбланувчи соғлиғига зарар етказиш хавфини келтириб чиқармаслиги шарти билан унинг розилигисиз ўтказилади. Мазкур чоралар судья томонидан танланади, аммо далилларни йўқолиб кетиши эҳтимоли бўлган ҳолатларда прокурор ёки тергов олиб бораётган органлар томонидан ҳам тайинланиши мумкин. Айбланувчидан олинган қон намуналари фақатгина жиноятни очишга қаратилган мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилади. **Ушбу мақсадларда фойдаланиб бўлингач, ушбу намуналар тезда утилизация қилиниши талаб қилинади.**

ЎзР ЖПКда намуналар олиш тартиби акс эттирилган бўлсада, уларни утилизацияси, йўқ қилиниш тартиби акс эттирилмаган. Шу ҳолатларни инобатга олиб, фикримизча, ЖПКни 1971-модда билан тўлдириб, унда олинган намуналарни утилизация қилишнинг мухтасар тартибини акс эттириш лозим.

Испания Жиноят-процессуал кодексига биноан айбланувчи прокурордан маълум бир тергов ҳаракатларини, шу жумладан экспертизани ўтказишни таклиф қилиши мумкин.

Унга кўра гумон қилинувчи мурдани кўздан кечириш жараёнига ва жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказиш даражасини аниқлашга қаратилган тиббий экспертизага айблов томон тайинлаган эксперт баробарида ўз шахсий экспертини жалб қилиш (ЖПК, 350-модда), кимёвий таҳлилларни ўтказиш билан боғлиқ тадқиқотларга ўз экспертини жалб қилиш, ушбу жараёнда эксперт ўзи мустақил ёки айблов томон тайинлаган эксперт билан биргаликда тадқиқот ўтказишга ҳақли (ЖПК, 356-модда). Экспертни жалб қилишга бўлган умумий ҳуқуқи, ушбу ҳаракатлар натижасида юзага келадиган харажатлар гумон қилинувчининг ўз ҳисобидан қопланади (ЖПК, 471-модда) [3].

Франция тажрибаси ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади. 1958 йилги Франция ЖПК 934 моддадан иборат бўлиб, унинг 40 дан ортиқ моддаларида экспертнинг процессуал фаолияти ва экспертиза тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби баён қилинган.

Мазкур кодекснинг 5-бўлими “Сўроқ қилиш ва тортишув” деб номланиб, унинг 114-моддасига кўра, тергов органлари томонидан тарафлар ёки

уларнинг адвокатлари ва учинчи шахсларга экспертлар тадқиқот натижаларини беришлари мумкин бўлиб, у ҳам бўлса, ҳимоя мақсадларидагина тақдим этилиши белгиланган [4].

Тергов судьяси процесс иштирокчиларининг аризаси олигандан бошлаб 5 иш кунда суд экспертизаси тадқиқоти натижасида аниқланган маълумотлар натижасида жабрланувчи, унинг ҳимоячиси, гувоҳлар, терговчилар, экспертлар ёки бошқа ишда иштирок этувчи шахсларга тазйиқ бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, уларнинг хавфсизлиги учун ҳужжатларнинг ҳаммасини ёки айримларини бера олмаслигини ўзида ифода этувчи қарор чиқариши мумкин.

Ушбу нормадан келиб чиқиб, фикримизча, ЎзР ЖПКга “Экспертиза хулосаси ва унинг натижалари ҳақида маълумот олиш” деб номланган 187¹-модда киритиб, юқоридаги қондани мустаҳкамлаш лозим.

Франция ЖПКнинг 156-моддасида, бундан ташқари экспертлар ўз вазифаларини экспертиза ўтказилиши тайинлаган тергов судьясининг ёки бошқа судьянинг раҳбарлигида амалга ошириши баён қилинган. 157-моддага кўра жиноят иши юзасидан экспертлар жисмоний ёки юридик шахслар ичидан, кассацион суд томонидан тузилган миллий рўйхатдаги рўйхатга олинган ёки Апелляция суди томонидан тузилган рўйхатдагилар орасидан танланади. Ушбу рўйхатни тузиш ва унга экспертларни киритиш ва чиқариш қоидалари Давлат Кенгашининг Фармонида асосан амалга оширилади. Истисно ҳолатларда, судлар бирор бир рўйхатга киритилмаган шахсни эксперт сифатида ўзларининг асослантирилган қарорлари орқали танлашлари мумкин. Фикримизча, миллий қонунчилигимизда ҳам **экспертлар рўйхати тузилиб, уни тасдиқлаш тизими жорий қилинса**, Ўзбекистонда у ёки бу мутахассисликлар бўйича фаолият юритаётган шахслар ҳақида ва уларнинг имкониятлари ҳақида тезкор маълумот олиш, яъни махсус билимлар чегарасини аниқлаш, мурожаат қилиш имкониятини берарди.

Франция ЖПКга асосан хулосани уларга белгиланган вақтда тақдим қилмаган экспертлар ишдан четлаширилиши ва шу кунга қадар амалга оширган ишлари юзасидан баёнот беришлари талаб қилинади. Бундан ташқари, улардан 48 соат ичида жиноят иши юзасидан юборилган иш материаллари, далилларни экспертиза тайинлаган органга қайтаришлари талаб қилинади. Уларга нисбатан интизомий чоралар ёки у ёки бу экспертлар рўйхатидан ўчириш каби жавобгарлик чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

Франция ЖПК 167-1-моддасига мувофиқ, агарда экспертиза хулосаси натижаларига кўра тергов судьясидан айбловни ечиш талаб қилинганда, фуқаровий даъвогарга алоҳида ҳолда ўз мурожаати билан чиқиш ёки бошқа экспертиза тайинлашга илтимоснома билан чиқиш юзасидан 15 кунлик муддат берилади. Такрорий экспертиза тайинланиши фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқини тиклаш имконияти сифатида баҳоланиб

тайинланади. Ушбу экспертиза хулосаси камида икки эксперт томонидан берилади.

Бизнинг фикримизча, мазкур тартибни ЎзР ЖПКга ҳам киритиш зарур. Чунки ишнинг тугатилиши ҳали фуқаровий жавобгар манфаатларини ҳимоя қилишни кўрмай қолдириш мумкин дегани эмас. Айнан унинг даъвога оид масалани экспертиза орқали ҳал қилиш имкониятини бериш лозим.

Канада қонунчилигида экспертиза масалаларининг тартибга солиниши ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Хусусан, Канадада жиноят процессуал тартиб 1985 йилда қабул қилинган, 54 банддан иборат “Далиллар тўғрисида”ги Қонун [5] асосида тартибга солинади. Унга кўра, гувоҳ жиноят шохиди бўлган гувоҳ ёки ўз соҳасининг мутахассиси бўлган эксперт-гувоҳга ажратилади. Эксперт хулосаси эса эксперт гувоҳлиги сифатида баҳоланади. Қонуннинг “Эксперт-гувоҳ” деб номланувчи 7-бандига кўра, ҳар қандай жиноят ёки фуқаролик судида ёки бошқа иш юритишда, ҳар бир тараф 5 нафаргача эксперт-гувоҳни жалб қилиши ва уларнинг далилий аҳамиятга эга хулосаларига таянишлари мумкин. Ушбу эксперт-гувоҳни чақирилишида судьянинг ва суд раисининг рухсати талаб қилинмайди.

Жиноят ҳақида маълумот берувчи ариза юзасидан қарама-қарши тарафнинг текшириш тартиби 10-бандда белгиланган бўлиб, ҳар қандай судда гувоҳ (эксперт-гувоҳ) қарама-қарши тарафларнинг вакиллари томонидан сўроқ қилиниши ва ёзма хулосаси, аудио ёки видео-кассеталардаги маълумотлари кўриб чиқирилиши ва шу юзасидан туғилган саволларга жавоб бериши талаб қилинади. Агарда уларнинг берган хулосалари ҳақиқатга тўғри келмаса, улар сўроқ қилиниб маълумотлар одил судлов мақсадлари учун магнит лентага ёзилади. Мазкур маълумотлар Олий суд, Федерал Апелляция суди, Провинциялар судлари томонидан иш муҳомаси жараёнида фойдаланиш мақсадида сўраб олинishi мумкин.

Швейцариянинг 2007 йил 5 октябрда қабул қилинган, 4 бўлим, 457 моддадан иборат Жиноят-процессуал кодексида ҳам экспертизага оид муҳим қоидалар белгиланган [6]. Швейцария ЖПК 5-боби “Ваколат берилган экспертлар” деб номланиб, унда махсус билимлардан фойдаланиш субъекти бўлган эксперт фаолиятига бағишланган ва 10 та модда қамраб олинган.

Ўзбекистон ЖПКдаги махсус билимларга оид нормалардан фарқли равишда Швейцария ЖПКда нормалар кўпроқ процесс иштирокчисининг фаолияти доирасида кўпроқ таҳлил қилинган. Хусусан, Кодекснинг 182-моддаси “Экспертга мурожаат қилиш талаблари” деб номланиб, унга кўра прокурор, суднинг махсус билимлари жиноятнинг фактик ҳолатини баҳолашга етарли бўлмаганда бир ёки бир нечқа эксперт гувоҳларнинг хизматидан фойдаланиш мақсадида мурожаат қилишлари мумкин. Швейцария ЖПКда эксперт гувоҳнинг бир кўриниши сифатида изоҳланади. Экспертнинг ўзи ҳам эксперт гувоҳ деб номланади.

Швейцария ЖПК 183-моддаси “Эксперт гувоҳга қўйилган талаблар” деб номланиб, унга кўра ҳар қандай махсус билим ва кўникмага эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкин.

Фикримизча, мазкур қоидадаги “кўникма” сўзини ЎЗР ЖПК 67-моддасига ҳам киритиб, уни қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ: “Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва кўникмага эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс эксперт сифатида чақирилиши мумкин”. Чунки эксперт нафақат махсус билимга, балки кўникмага ҳам эга бўлиши керак. Зеро, инсон тақдиридек олий қадрият масаласи ҳал қилинаётганда экспертизанинг ҳар томонлама муаммал бўлиши талаб қилинади.

Швейцария ЖПКга кўра конфедерация ва кантонлар ҳар бир ҳудудда доимий ва расмий равишда ишлайдиган экспертлар доирасини белгилаб бериши мумкин. Ушбу экспертлар рўйхати экспертларнинг қобиляти, иш тажрибаси, хулосаларининг сифатига қараб шакллантирилади.

Фикримизча, махсус билимлардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш мақсадида ҳар бир маъмурий ҳудудда маълум бир соҳаларда фаолият юритадиган экспертлар рўйхатини тузиш ва улар ҳақидаги маълумотларни интернет орқали олиш имкониятини берувчи база яратиш зарур. Ушбу тадбир ХМҚОлар учун экспертиза тайинлаш мақсадида экспертни ўринли танлаш имкониятини бериши билан бирга, экспертларнинг фаолият йўналишлари ва имкониятлари ҳақида маълумот олиш имкониятини беради. Ўз навбатида, ушбу рўйхат экспертларнинг иш тажрибаси, экспертиза хулосаси бер олиш доираси, экспертиза хулосалари ижобий қабул қилиганлик кўрсаткичлари, мутахассислигини инобатга олиб дифференциациялашса, экспертларнинг рейтингда баланд ўринларда бўлишга интилиши учун асос вазифасини ўтарди.

Литва Жиноят процессуал кодекси ҳам ўзига хосдир.

Ушбу кодексда экспертлар ва мутахассисларнинг фаолияти тўғри тақсимланмаган. Ушбу кодексга кўра, махсус билим эгаси ҳам эксперт ҳам мутахассис бўлиши мумкин. Шахс мутахассис бўлиши учун албатта махсус билим эгаси бўлиши талаб қилинади. (Lithuanian Code of Criminal Procedure, Art. 84 and 89.) [7]. Аммо фикримизча, махсус билим бўлиши мажбурияти асосан экспертга хос бўлиши керак. Чунки у айнан махсус билимидан фойдаланиб тадқиқот ўтказди.

Бугунги кунда Литвада экспертиза соҳасини ривожлантириш амалиётида ҳам қуйидаги такомиллаштиришга эҳтиёжманд йўналишлар мавжуд ҳисобланади, булар: хизмат кўрсатиш соҳасида; давлат экспертиза муассасаси фаолияти ва мавжуд техник база етишмаслиги; инсон ресурслари (экспертларни малакасини оширувчи мутахассисларнинг етишмаслиги; экспертлар фаолиятига ҳақ тўлаш паст даражада эканлиги;

экспертлар координацион кенгашлари фаол эмас; эксперт хулосаси сифатини назорат қилиш механизми мавжуд эмас [8].

Бу борада **АҚШ** қонунчилигини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, АҚШнинг 18-титул Қонунлар тўпламининг 42 41, 42 42-параграфларига мувофиқ айбланувчини мажбурий психиатрик экспертизага юбориш қоидалари белгиланди [9]. АҚШда экспертиза алоҳида далилларни тўплаш усули, далил тури ҳисобланмайди. Шу сабабдан эксперт алоҳида процессуал мақомга эга бўлмасдан, махсус билимга эга бўлган гувоҳ ҳисобланади.

1990 йилда қабул қилинган “Вояга етмаган жиноят жабрланувчилари ҳақида”ги ҳужжатга кўра вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларга нисбатан ёпиқ телетармоқларни қўллаш тартиби белгиланган. Ушбу тартиб: 1) вояга етмаган шахс қўрқиши оқибатида кўрсатув бера олиш имконияти чекланганда; 2) судда вояга етмаган шахснинг кўрсатув бериши унга эмоционал жароҳат олиши мумкин деган тахмин бўлганда; 3) бола руҳий ёки бошқа руҳий бузилишларга дучор бўлган бўлса; 4) айбланувчи ёки унинг вакилининг ҳаракатларида вояга етмаганни кўрсатув беришига ҳалақит бериши мумкин бўлган ҳолатлар кузатилса. Фикримизча, ушбу қоидаларни айнан ушбу 4 асосдан келиб чиқиб, ЖПКга киритиш мақсадга мувофиқ.

АҚШда экспертиза муассасалари ва экспертиза тергов ҳаракатни ўтказишнинг замонавий шакллари ўзига хос ҳисобланади [10]. Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш бир неча шаклларда амалга оширилади. Уларнинг биринчи шакли тортишувга асосланган экспертиза тайинлаш шаклидир [11]. Экспертизанинг иккинчи шакли техник маслаҳатчи бўлган эксперт. Гумон қилинувчи, фуқаровий даъвогар, жавобгарга ўз ҳисобидан техник маслаҳатчи олишга имкон берилади. Ушбу маслаҳатга асосланиб ушбу шахслар экспертиза тайинлаган органга қайта экспертиза тайинлаш ҳақида илтимос қилишга имкон беради. Учинчи экспертизанинг тури эксперт гувоҳ ҳисобланиб, ушбу тур англо-америка жиноят процессуал турига хос.

АҚШда экспертларнинг фаолияти 1938 йилда қабул қилинган “Суд экспертлари тўғрисида”ги Қонун асосида амалга оширилади. Ушбу Қонун суд, прокурор, айбланувчининг дастлабки тергов ва суд муҳокамасини олиб бориш жараёнида экспертнинг мутахассислигидан келиб чиқиб мурожаат қилинишига йўл қўйилади. Суд томонидан экспертни тайинлашда фақатгина мазкур эксперт ҳақидаги маълумотлар, унинг яшаш манзилига оид ахборотларни тарафларга олдиндан маълум қилган ҳолатдагина йўл қўйилади.

Фикримизча, ушбу нормани ЎЗР ЖПКга ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки амалда терговчи ёки суд экспертни тайинлагандан кейингина тарафлар унинг кимлигини билиб олишади ва сўнггина уни рад қилишга имконият яратилади. Бу ҳолат эса ишнинг яна қайтадан бошқа эксперт томонидан олиб борилишига олиб келиши мумкин. Процесс иштирокчилари

ҳам эксперт сифатида уларнинг ташаббуслари билан ишда иштирок этаётган шахс ҳақида олдиндан судга ва иккинчи тарафга маълумот беришлари талаб қилинади.

АҚШда экспертиза ўтказишни сўраш учун адвокатлар хизматидан фойдаланиш борасида молиявий муаммолар мавжуд. Айбланувчилар кўпгина ҳолатларда уларга ҳақ тўлай олмайдилар. Шу сабабли эксперт хулоса берса, ушбу эксперт харажатлари процесс харажатлари сифатида давлат томонидан тўланади [12].

Бугунги кунда АҚШда жиноят процессуал қонунчилик ва технологиялар бирлашиши кузатилмоқда. Бу ҳолат одил судлов жараёнидан электрон назорат олиб боришда намоён бўлмоқда, яъни эндиликда тўлиқ тергов ва суд жараёни юқори турувчи органлар томонидан назорат қилинмоқда, бу ҳолат айниқса, вояга етмаганлар ишларида яққол қўлланилмоқда [13].

АҚШда ягона экспертиза муассасалари тизими мавжуд эмас. Унда экспертиза муассасалари ва криминалистик лабораториялар фаолият юритади. АҚШда жиноятни тергов қилиш асосан полиция кучлари билан амалга оширилгани боис экспертиза полиция криминалистик лабораторияларида амалга оширилади. Айрим махсус хизматлар қошида “жиноят-детектив лабораториялар” ҳам шаллантирилган бўлиб, улар ҳам алоҳида далилларни тўплаш, текшириш, сақлаш билан шуғалланишади [14].

Криминалистик лаборатория АҚШда стационар ва ҳаракатдаги турларга бўлиниб, ҳаракатдагиси махсус автоуловларда жойлаштирилган бўлади. Кўпгина криминалистик лабораториялар: а) химиявий лабораторияси; б) бармоқ излари тадқиқоти билан шуғулланадиган лаборатория; в) ҳужжатлар билан ишловчи лаборатория; г) ўқ-отар қуролни текширишга мўлжалланган идентификацион лаборатория; д) фотолаборатория; е) турли X-нурлар, ультра бинафша нурларда текширув ўтказувчи лаборатория; ж) кумуш нитрати реактивлари билан ишловчи лабораториялар [15]. Ушбу кўрсатилган лабораториялар Нью-Йорк, Лос-Анжелос, Вашингтон, Чикаго каби йирик шаҳарлар полиция маҳкамаларида фаолият юритади.

Англияда эса экспертнинг суд ва терговдаги ҳуқуқий ҳолатни акс эттирадиган ягона қонун мавжуд эмас. Англияда жиноят процесси суд прецедентига асосланган бўлганлиги боис муаммоли ҳолатни ҳал қилиш учун бир неча ҳуқуқий ҳужжатларга эътибор қаратишга тўғри келади. Масалан, экспертни ишга жалб қилиш ва унга тадқиқот учун материал бериш 1887 йилдаги “Коронерлар тўғрисида”ги Қонунда акс эттирилган. Унинг 21, 22-моддаларига кўра коронер (одам ўлдириш жиноятини тергов қилувчи шахс) ўлим сабаби ва бошқа ҳолатларни аниқлаш мақсадида экспертни, яъни хоҳлаган шифокорни жалб қилиши мумкин.

Эксперт-гувоҳлар ҳақида яна 1807 йилда қабул қилинган “Далиллар тўғрисида”ги қонунда ҳам айрим қоидалар белгиланган. Унга асосан гувоҳ кўрсатув бериб, ушбу кўрсатувида махсус билимлари доирасидан ташқарига чиқишга йўл қўйилмайди. Аммо гувоҳ ҳолатга ўз муносабатини билдиришга йўл қўйилмайди. Чунки унинг кўрсатувида асосланиб ҳолатга баҳони суд ва қасамхўрлар суди беради. Шунини алоҳида эътироф этиш керакки, экспертга оддий гувоҳга ёки эксперт-гувоҳ фаолиятига оид саволлар берилиши мумкин. Шу ҳолатда агарда эксперт ўзи кузатган ва кўрган нарсаси юзасидан маълумот берса, оддий гувоҳ сифатида кўрсатув беради, агарда ўзининг махсус билимидан келиб чиқиб юзага келган ҳолатга баҳо берганда у эксперт-гувоҳ мақомига эга бўлади [16]. Англияда эксперт ўз ҳулосасини қоида тариқасида оғзаки тарзда беради. Аммо англо-саксон ҳуқуқ оиласига мансуб бошқа давлатларда ёзма кўрсатувлар беришга ҳам йўл қўйилади [17].

Хулоса қилиб айтганда, АҚШ ва Англия жиноят процессуал қонунчилигида гувоҳ кўрсатуви асосий далил манбаи ҳисобланади, чунки бу кўрсатув орқали жиноятнинг ҳақиқий ҳолати намоён бўлади. Бундан ташқари, бу ҳолат, ҳар қандай процесс иштирокчисининг, масалан, айбланувчининг, жабрланувчининг, эксперт ва бошқа ваколатли шахсларнинг кўрсатувлари гувоҳ кўрсатувлари туркумига киритилгандир. Иккинчидан, бошқа далил манбалари ҳам гувоҳ кўрсатувларига асосланиб ўтказилади.

Япония тизими ўзига хос аралаш ҳуқуқий оилага тегишли тизим ҳисобланади. Японияда асосий экспертиза муассасалари полицияга тегишли бўлиб, уларнинг функциясига бошқа йўналишлар билан бир қаторда терговчиларни экспертиза соҳасидаги билимларини ошириш, хусусий сектордан экспертларни жалб қилиш, полицияни махсус билимлар соҳасида мутахассислар билан таъминлаш ва инструкторларни тайёрлаш киради [18].

Экспертизага оид асосий қоидалари Япония Жиноят процессуал кодексида акс этган. Унинг 9-моддасига кўра, икки ёки ундан ортиқ ижтимоий хавфли қилмишларни ўзаро боғланган ҳолатлар деб баҳолаш учун, мол-мулки талон-торож қилинганлик учун жиноятчиларни яширганлик, далилларни йўқ қилиб юборганлик, нотўғри эксперт хулоса ва ёлғон кўрсатув берганликни кўрсатиш мумкин.

Япония ЖПК 20-моддасига кўра, судья рад этилиши лозим бўлган ҳолатлар қаторига айнан шу иш бўйича унинг гувоҳ ёки эксперт бўлиб қатнашганлигини киритиш мумкин.

Япония ЖПКнинг V бўлими судьянинг қарори деб номланиб, унинг 43-моддасида ҳолат тақозо этганда, судья маълумот олиш мақсадида экспертиза ўтказиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор коллегиял тартибда ишловчи судлар, туман судлари, оилавий ишларни кўрувчи судлар томонидан чиқарилиши мумкин.

Япония ЖПК 156-моддасига кўра суд гувоҳдан ўзи кўрган кечирганлари бўйича гувоҳлик беришини сўраши мумкин бўлиб, ҳаттоки мазкур масала бўйича эксперт хулосаси олинган бўлса ҳам, уни гувоҳ кўрсатувидан устун қўйиб бўлмайди.

ЖПКнинг 12-бўлими экспертиза деб номланиб, унинг 165–174 - моддалари айнан ушбу тергов ҳаракатига бағишланган. Унинг 165-моддасига кўра суд махсус билим ва амалий тажрибага эга шахсни эксперт сифатида тайинлай олади (дастлабки тергов давомида экспертиза ўтказиш учун тергов органи томонидан махсус мутахассисга экспертиза ўтказиш масъулияти юклатилиши мумкин). 166-модда эксперт қасами деб номланиб, унга кўра эксперт виждонан ўз тадқиқотини бажариши юзасидан қасам ичиши шарт ҳисобланади. Ушбу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритиш лозим.

167-моддага кўра, эксперт ҳолат шуни тақозо этганда, айбланувчининг руҳияти ёки жисмоний ҳолати ҳақида гувоҳлик бериб, унинг ҳолатини аниқлаш мақсадида экспертизани ўтказиш заруратидан келиб чиқиб, суд айбланувчини муносиб шароитларда сақлашини таъминлаш учун қайси касалхонада ёки бошқа тегишли муассасада қанча вақт ичида ушлаб турилиши кераклигини аниқлаб беради.

Агарда шуни вазият тақозо қилса, суд айбланувчи сақланаётган касалхона ёки бошқа ташкилот раҳбари илтимосига кўра полицияга айбланувчини қўриқлаш масаласида топшириши мумкин. Суд лозим топса, ҳолат шуни тақозо этса айбланувчини қамоқда ушлаб туриш муддатини узайтириши ёки камайтириши мумкин.

Япония ЖПК 167²-моддаси эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш айбланувчига нисбатан қўланилиб, унинг экспертиза ўтказиш учун ушлаб турилиши муддати давомида қамоқ муддати тўхтатилган ҳисобланади.

Япония ЖПК 168-моддасига биноан, эксперт зарур ҳолатларда судьянинг рухсатини олган қўриқлаш хизмати ходимлари кузатувида шахс уйида, яъни айбланувчига уй қамоғи қўлланилганда ёки очиқ суд ҳавзалари бўлса, кемада шахс танасини кўздан кечириши ва экспертиза ўтказиши мумкин. Эксперт айбланувчининг уйига киришида ўз рухсатномасини кўрсатиши талаб қилинади, ушбу ҳаракатларни суд жараёнида амалга оширганда эса рухсатномасиз экспертизани ўтказишига йўл қўйилади [19]. Бундан ташқари, эксперт рухсатнома билан жиноят объектларини кўздан кечириши, мурдани ёриб кўриши, қабрни очиши ёки маълум бир объектни йўқотиши мумкин.

Суд рухсати ёзма розилик кўринишида берилиб, унда айбланувчининг исми, жиноят, жиноят жойи, тинтув ўтказилиши мумкин бўлган шахс, мурда,

қабрнинг очилиши, объектни тадқиқ этиш мақсадида унинг бутунлигини бузиш, эксперт ва гувоҳларнинг исми шарифи ва суд қоидаларида кўрсатилган бошқа масалалар киритилиши мумкин. Суд қўшимча равишда ўлган деб тахмин қилинган инсон танасини қидириб топиш шарт-шароитларини ҳам кўрсатиб ўтиши мумкин. Эксперт тадқиқот объекти бўлган шахсга экспертиза жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларга суднинг рухсат берганлиги бўйича ҳужжатини кўрсатиши талаб қилинади.

Япония ЖПК 169-моддасига кўра, суд экспертиза ўтказиш жараёнида қўлланилиши керак бўлган чоралар ва талаблар юзасидан якка ўзи ёки жамоавий тартибда кўрсатмалар бериши мумкин. 170-моддага биноан экспертиза тадқиқоти давомида прокурор ёки адвокат ҳам иштирок этиши мумкин. 172-моддага кўра агарда жиноятда айбланаётган шахс кўздан кечириляётганда мурдани топиб беришдан бош тортса, унда эксперт мурда танасини топишга суддан рухсат сўраши талаб қилинади.

Япония ЖПК 173-моддаси талабларига кўра эксперт экспертиза тайинлаган органдан қўшимча харажатлари, яъни йўл транспортида келганлиги, кунлик харажатлари, экспертиза ўтказиш учун кетган харажатларни қоплашни сўраши мумкин. Агарда эксперт олдиндан ўз харажатлари учун берилиши лозим бўлган компенсация пуллари олиб, узрсиз сабабларга кўра суд муҳокамаси жараёнига келмаса ёки қасамёд қилишдан бош тортса ҳамма берилган пул тўловларини қайтариши талаб қилинади. Демак, экспертиза ўтказишдан бош тортиш экспертнинг ҳуқуқи саналиб, ушбу ҳолатни ЎЗР ЖПКда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ.

Япония ЖПК 179-моддасига кўра гумон қилинувчи, айбланувчи ёки унинг адвокатининг фақатгина суд муҳокамасининг биринчи кунига қадар суддан тақдим қилинаётган маълумотдан далил сифатида фойдаланиш мураккаб бўлганда, далиллардаги изларнинг тез кунда йўқолиб кетиш эҳтимоли бўлганда, олиб қўйиш, тинтув, кўздан кечириш, гувоҳни текшириш тергов ҳаракатлари ва экспертиза ўтказишни сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Хитой жиноят процессуал кодекси 9 бўлим, 225 та моддадан иборат бўлиб [20], унинг 28-моддасига асосан суд, прокурор, тергов органларининг гувоҳ, эксперт, ҳимоячи бўлиб мазкур иш бўйича иштирок этганлиги жиноят ишининг қонуний ва адолатли ўтказилишига ҳалақит беришини инобатга олиб ўзи ёки процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан рад қилиниши керак.

Жиноят-процессуал кодекснинг 5 бўлими “Далил” деб номланиб, унинг 42-моддасига кўра, жиноят иши ҳақида маълумот берувчи ҳар қандай фактлар далил ҳисобланади. Ушбу 7 турдаги далиллардан бири эксперт хулосасидир.

ЖПКнинг 82-моддасига кўра “суд муҳокамаси иштирокчилари” деганда, тарафлар, қонуний вакиллар, суд агентлари (ad litem), ҳимоячи, гувоҳ, эксперт, таржимон тушунилади.

14-бўлим тергов ва текширув деб номланиб, унинг 101-моддасига кўра терговчи тергов ўтказиши ва жиноят ишига алоқадор объектларни, инсонлар, мурдани текширишлари мумкин.

7-бўлим экспертиза деб номланиб, унинг 119-моддасига кўра жиноят иши бўйича муаммовий ҳолатлар юзага келганда, уларни ҳал қилиш талаб қилинганда экспертиза тайинланади ва эксперт ишга жалб қилинади.

120-моддада экспертнинг ўз тадқиқотини якунлаб ҳолатни баҳолаганайдан сўнг хулоса бериши ва ўзининг имзоси билан уни тасдиқлаши баён қилинган.

Соғлиқка шикаст етказилганлик даражаси ва руҳий касалликлар юзага келганлиги сабабларини аниқлашга қаратилган тиббий диагностика юзасидан қарама-қарши фикрлар юзага келган тақдирда провинция даражасидаги орган томонидан тайинланган тиббий муассасада қайта экспертиза ўтказилиши мумкин. Қайта экспертиза ўтказилганидан сўнг эксперт ёзма хулоса бериши ва унга ўз имзоси ва касалхона муҳрини қўйиши талаб қилинади. Ёлғон хулоса берган эксперт қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

121-моддада жиноят ишини кўраётган орган ишда далил сифатида фойдаланиладиган экспертиза хулосаси билан гумон қилинувчи ва жабрланувчини таништириши талаб қилинади. Гумон қилинувчи ёки унинг ҳимоячиси ёки жабрланувчининг хулоса натижаларидан норозилиги акс этган аризаси орқали қўшимча экспертиза ўтказилиши мумкин.

151-модданинг диспозициясига кўра судья халқ суд мажлисини очиқ деб эълон қилишидан 3 кун олдин томонлар ва бошқа иштирокчилар қаторида экспертни ҳам чақириши талаб қилинади. 154-моддага кўра суд мажлиси очиқ деб эълон қилиниб, судья ҳамма процесс иштирокчилари қаторида экспертни ҳам таништириши талаб қилинади. Ушбу ҳолат экспертни рад этиш асосларини муҳокаманинг биринчи кунлариданоқ аниқлашни мақсад қилиб олади.

156-модда талабларига кўра давлат айбловчиси, тарафлар ҳимоячиси судьянинг рухсатига кўра, экспертга саволлар бериши мумкинлиги баён қилинган. 157-модда давлат айбловчиси ва ҳимоячи судга жиноятга алоқадор материаллар қаторида эксперт хулосасини ҳам тақдим қилиши керак.

158-моддага биноан агарда суд коллегияси тақдим этилган далилларни шубҳа остига олса, суд танаффус эълон қилиб далилларни текширишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширади. Шу ҳаракатлар қаторида эксперт хулосасини текширишга қаратилган ҳаракатлар ҳам кириб кетади. 159-моддага биноан суд муҳокамаси жараёнида тарафлар, ҳимоячи, агентлар (ad litem) янги экспертизалар тайинланишини талаб қилиши мумкин.

Жанубий Корея Жинойт-процессуал кодекси 493 моддадан иборат бўлиб, унинг 13-боби “Эксперт кўрсатуви” деб номланади. Ундаги 169-модда эксперт кўрсатувига бағишланган бўлиб, унга мувофиқ суд тадқиқот ёки тажриба ўтказиш орқали далил аҳамиятига эга кўрсатув олиш талаб қилинганда экспертиза тайинланиши мумкин.

170-модда “Эксперт қасамёди” деб номланиб, унга мувофиқ эксперт хулоса беришидан олдин қасамёд қабул қилади. Қасамёд ёзма шаклда қабул қилинади ва унинг мазмуни қуйидагича бўлади: Мен ўз вижонимдан келиб чиқиб тўғри эксперт хулосани беришга қасам ичиман, агарда менинг хулосамда ёлғон бўлса, қонунда белгиланган ёлғон хулоса берганлик учун жавобгарликка тортилишга розиман.

171-модда “Эксперт ҳисоботи” деб номланиб, унга мувофиқ эксперт процессда ва фаолияти натижаси ҳисобланган ҳисоботни ёзма шаклда бериши талаб қилинади. Агарда ишда икки ёки ундан ортиқ эксперт-гувоҳ иштирок этадиган бўлса, улар алоҳида ёки биргаликда хулоса бериши талаб қилинади.

Эксперт хулосаси аниқ шакллантирилган бўлиши талаб қилинади. Ҳолат шуни тақозо қилганда эксперт-гувоҳ ўз хулосасидаги маълумотларни асослантириб бериши талаб қилинади.

172-модда “Суддан ташқари эксперт кўрсатувини бериш” деб номланиб, унга мувофиқ муҳим бўлган ҳолатларда суд суд залидан ташқари бўлган жойларда ҳам кўрсатув беришга имкон беради. Ҳолат шуни тақозо қилганда эксперт-гувоҳ учун маълумот аҳамиятига эга объектни текшириш мақсадида юборилиши мумкин. Қачонки судланувчининг психологик ва физиологик ҳолатини текшириш талаб қилинганда у тегишли касалхонага жойлаштирилади ва судланувчида шу давр мобайнида бўлган ўзгаришлар ҳақида гувоҳлик берилади. Гувоҳликни шахс касалхонадан чиққунга қадар берилиши талаб қилинади. Мазкур ҳолатда инсонни стационар тарзда текшириш учун экспертнинг хулосаси талаб қилинади.

Агарда суднинг талабига кўра судланувчини касалхонада стационар тарзда текшириш талаб қилинганда касалхона маъмурияти уни полиция томонидан қўриқланишини таъминлаш масаласини кўришини талаб қилиши мумкин. Суд тадқиқот учун инсон эркинлигини чегаралаш доирасини белгилашда уни узайтириш ёки қисқартириш масаласини кўриб чиқиши мумкин. Чекловнинг аниқ муддатлари белгилаб берилиши талаб қилинади.

172-2-модда экспертиза хулосасини бериш учун чекловлар ва шахсни ушлаб туриш ҳақида. Судланувчини ҳолати юзасидан хулоса бериш учун ушлаб туриш даврида эҳтиёт чораси сифатида қамоқ муддатининг ўтиши тўхтатиб турилади.

173-модда “Экспертга берилган фармойишнинг муҳимлиги” деб номланиб, унга кўра эксперт-гувоҳ муҳим бўлган ҳолатда ва вазият шуни тақозо қилганда фақатгина суднинг фармойиши (рухсати) билангина,

инсоннинг турар жойини, бинони, муассасани, самолётни, кема ва транспорт воситаларини, инсонни ўрганиб чиқиш ва мурдани, қабрни текшириши, ашёни текшириш мақсадида шикастлашни амалга оширишга имкон берилади.

Суд рухсати билан эксперт-гувоҳнинг исми, фаолият муддати, судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, жиноят, текширилаётган шахс, мурда, ашё ҳақидаги маълумотлар киритилиши талаб қилинади. Эксперт-гувоҳ маълум ҳаракатни амалга оширишни бошлашидан олдин рухсатномани кўрсатиши талаб қилинади. Юқорида икки ҳолат суд залидаги эксперт-гувоҳ ҳаракатларига нисбатан тадқиқ қилинмайди, яъни рухсат олиш талаб қилинмайди.

174-модда эксперт-гувоҳ томонидан бериладиган саволлар бериш деб номланиб унга асосан, иш шуни тақозо қилинда эксперт-гувоҳ далилларни, ҳужжатларни текшириши ва улардан нусхалар олиши, раислик иқлувчи судьянинг рухсати билан айбланувчининг ва гувоҳни кўздан кечириш, текшириш жараёнида иштирок этиши мумкин бўлади.

Эксперт-гувоҳ айбланувчи ёки гувоҳга нисбатан текшириш, экспертиза ўтказишни сўраши ёки судьянинг рухсати билан уларга нисбатан тадқиқот ўтказиши мумкин бўлади.

175-модда “Судья топшириғи” деб номланиб, унга кўра суд коллегиял суднинг таркибида, эксперт-гувоҳга нисбатан тегишли чораларни кўриши мумкин бўлади. 176-модда эса тарафларнинг иштироки деб номланиб, прокурори, судланувчи ёки қарши томон ҳимоячиси экспертиза ўтказиш жараёнида иштирок этиши эксперт-гувоҳни сўроқ қилишлари мумкин бўлади.

177-модда “Тегишли чораларни қўллашни таъминлаш” деб номланиб, олдинги боблардаги тартибни таъминлаш мақсадида судга мажбурий келтириш таъминлашдан ташқари эксперт далилига ўзгартириш киритиш мумкин бўлади.

178-модда “Эксперт-гувоҳнинг харажатлари тўлови ва йўл транспорт учун кетган харажатларини қоплаш” деб номланиб, унга кўра эксперт-гувоҳ ўз хулосаси учун тўлов ва харажатларини қопланишини талаб қилиши мумкин, бундан ташқари унга йўл, кунлик, маълум бир уйда истиқомат қилинганлик учун харажатлар қопланиши мазкур Қонун талабларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

179-модда “Эксперт-гувоҳ” деб номланиб, агарда шахс махсус билимларига таянган ҳолда ўтмишда содир бўлган фактларга нисбатан тадқиқот ўтказа олса, у мазкур боб талабаларидан келиб чиқиб эксперт-гувоҳ бўла олади. 179-2-модда “Эксперт кўрсатувини таъминлаш” деб номланиб, унга асосан суд агарда бундай ҳолат тақозо қилса, бир хил объект ҳақида маълумот олиш ва уларни қиёслаш мақсадида мактаблар, шифохоналар, офислар, ассоциациялар ва ташкилотлар ва шунга ўхшаш техник

таъминланган ташкилотлар экспертларидан ҳолат бўйича кўрсатув беришни талаб қилиши мумкин. Экспертнинг қасамёдига оид тартибга бу норма талаблари тегишли эмас.

Айрим ҳолатларда суд шифохона, мактаб, агентлик, ассоциация ходимларидан эксперт хулосасини, кўрсатувини тушунтириб бериш вазифасини қўйиши мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиётини таҳлил қилиш миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг энг муҳим шакли эканлигини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Kommentar, russische Übersetzung der StPO Dr. Pavel Golovnenkov, ass. iur., Natalia Spitsa, ass. iur., M.A. Einführung in das deutsche Strafprozessrecht Prof. Dr. Uwe Hellmann. – Universitätsverlag Potsdam, – 2012. – P. 124.

2. Головненков П.В. Превентивное заключение в Германии: проблемы правового регулирования // Уголовное право: стратегия развития в XXI веке. – М., 2012. – С. 491.

3. Ромеу Ф.Р. Уголовный процесс Испании: равенство сторон в досудебных стадиях // Уголовное судопроизводство. – 2012. – № 2. – С. 14.

4. <http://www.legislationline.org>. – P. 37.

5. Canada Evidence Act. R.S.C., 1985, c. C-5. Published by the Minister of Justice at the following address: <http://laws-lois.justice.gc.ca>. – 2017. – P. 3.

6. Swiss Criminal Procedure Code (Criminal Procedure Code, CrimPC) of 5 October 2007 (Status as of 1 January 2015). The Federal Assembly of the Swiss Confederation, on the basis of Article 123 paragraph 1 of the Federal Constitution, and having considered the Federal Council Dispatch dated 21 December/ www.admin.ch/opc/en/classified-compilation/2005. – P. 55.

7. Lithuanian Code of Criminal Procedure. Official Gazette. 2002, №37-1341.

8. Kurapka, V.E., Bilevičiūtė E., Matulienė. S. Directions restructuring expert institutions in Lithuania. Forensic tools and techniques in the detection and investigation of crimes: Materials V International scientific-practical conference on forensic science and forensic. Ministry of Interior of Russia, expert forensic center. Moscow: FEC Home Office, 2011. – P. 62.

9. Махов В.Н., Пешков М.А., Уголовный процесс США (досудебные стадии). Учебное пособие. – Москва, ЗАО “Бизнес-школа “Интел-синтез” 1998. – С. 33.

10. law.edu.ru/article/article.asp?articleID=1129804.

11. Эртевциан А. Н. Современные формы организации экспертизы и экспертных учреждений в Англии и США /А. Н. Эртевциан // Правоведение. – 1961. – № 2. – С. 138.

-
12. Maybell Romero. Profit-Driven Prosecution and the Competitive Bidding Process. The Journal of Criminal Law and Criminology. 2017. Volume 107 / Issue 2. – P. 161.
 13. Chaz Arnett. Virtual Shackles: Electronic Surveillance and the Adulthood of Juvenile Courts. The Journal of Criminal Law and Criminology. 2018. Volume 108 / Issue 3. – P. 399.
 14. Vernon, C. Branhen, M. D. Samuel, B. Kutash. Encyclopedia of criminology. – New York, 1949. – P. 319.
 15. Ch. E. O'Hara, J. W. Osterburg. An Introduction to Criminalistics. New York, 1949, – P. 12. «The Encyclopedia Americana», vol.10 – Expert; vol.16 – Laboratorium. – New York, 1950. – P. 23.
 16. Gordon J., Turner R., and Price T.W. Medical Jurisprudence, ch. 10. – Edinburgh and London, 1953. – P. 14.
 17. Journal of Criminal Law, Criminology and Police Science, 1953, vol. 44, No 4, Nov. – Dec., 522.
 18. Criminal justice in Japan. United Nations Asia and far East institute for the prevention of crime and the treatment of offenders. <http://www.legal-tools.org/doc/415253/pdf>. – P. 3.
 19. Япония Жиноят-процессуал кодекси. Интернет веб манзили: www.cis-legal-reform.org.
 20. www.asia-business.ru/law/law1/criminal.